

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**МАВЛАНОВ ШУХРАТЖОН РАВШАН ЎҒЛИ**

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ГЕПАТИТЛАРДА ЛЕСБОХОЛНИНГ  
ЖИГАР ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИ ТИКЛАШДАГИ  
САМАРАДОРЛИГИ**

**14.00.17- Фармакология ва клиник фармакология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Мавланов Шухратжон Равшан ўғли</b> Экспериментал гепатитларда Лесбохолнинг жигар функционал ҳолатини тиклашдаги самарадорлиги.....	3
<b>Мавланов Шухратжон Равшан ўғли</b> Эффективность Лесбохола в коррекции нарушений функционального состояния печени при экспериментальных гепатитах .....	21
<b>Mavlanov Shukhratjon</b> The efficiency of Lesbokhol in correction of the functional condition of liver in experimental hepatitis .....	41
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	45

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**МАВЛАНОВ ШУХРАТЖОН РАВШАН ЎҒЛИ**

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ГЕПАТИТЛАРДА ЛЕСБОХОЛНИНГ  
ЖИГАР ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИ ТИКЛАШДАГИ  
САМАРАДОРЛИГИ**

**14.00.17- Фармакология ва клиник фармакология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида в2017.3.phd/tib282 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Раҳманов Алишер Худайбердиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Аминов Салахитдин Джураевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Хушбақтова Зайнаб Абдурахмановна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент фармацевтика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.Tib.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс (99871) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент Тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 2-ҳқув бино «б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел.: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г.Гадаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Б.Х.Шагазатова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.В.Якубов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бутун Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра «2015 йилда вирусли гепатитлар бутун дунё бўйича 1,34 миллион одамнинг ўлимига сабабчи бўлган»<sup>1</sup>. Вирусли гепатитлар келтириб чиқарган ўлимлар сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Сурункали равишда алкоголь қабул қилиш ташхиси билан госпитализация қилинган беморларда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатганки, жигар биопсияси ўтказилганда, уларнинг 44,9% стеатоз, 34,4% алкогольли гепатит ва 10,2% жигар циррози аниқланган. «Тахминан 1000 тага яқин дори воситалари гепатитлар ривожланишига сабаб бўлиши мумкин, улардан 200 тадан кўпроғи эса гепатотоксик таъсирга эга. Бутун дунё бўйича дори воситалари сабаб бўлган гепатитлар билан касалланишни йиллик кўрсаткичи 100000 аҳолига 13,9-24,0 ташкил этади. АҚШ да ўткир жигар етишмовчилигига энг кўп дори воситалари сабаб бўлган. Кореяда эса, университет клиникаси маълумотларига кўра, касалланишни йиллик кўрсаткичи 12/100000 кишини ташкил этади»<sup>1</sup>.

Жаҳонда гепатобилиар тизим хасталиklarини ташхислаш ва даволаш усуллари тақомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Гепатобилиар тизим хасталиklarини фармакологик воситалар ёрдамида даволашда эришилган ютуқларга қарамасдан ушбу хасталиklarдан келиб чиқаётган асоратлар кўрсаткичи юқориликча қолмоқда. Маълумки, «доривор ўсимликлар орагнизмнинг хасталиklar натижасида келиб чиққан турли хил физиологик бузилишларни бартараф этиш хоссасига эгадирлар»<sup>2</sup>. Бу борада синтетик дори воситаларига нисбатан организмга ножўя таъсири кам бўлган, доривор ўсимликлар асосида тайёрланган янги дори воситаларини яратиш, фармакологик хоссаларини ўрганиш ва амалиётга тадбиқ қилиш фармакологиянинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда, аҳоли орасида турли касалликларини эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган дастурларни амалга оширишда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, натижада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича ижобий самараларга эришилмоқда. Аммо, ушбу эришилаётган ютуқларга қарамасдан соғлиқни сақлаш тизимида ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар орасида гепатобилиар тизим хасталиklarини даволаш ва асоратлар ривожланишини олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори

<sup>1</sup> Global Hepatitis Report 2017. Geneva: World Health Organization.-2017.-68pp.

<sup>2</sup> Stickel F., Hellerbrand C. Herbs to treat liver diseases: More than placebo?//Clinical Liver disease.-2015.-Vol.6, №6.- P.136-138.

воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш...»<sup>3</sup> га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада жигар хасталиklarини даволаш учун маҳаллий хом-ашёлар асосида тайёрланган, импорт ўрнини босувчи юқори самарадор дори воситаларини яратиш ва амалиётга кенг тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»даги ПҚ-3071-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Доривор ўсимликларни жигар касалликларида иммунологик бўзилишларига таъсирини ўрганиш бўйича изланишлар ўтказилаёпти (Balaban Y. N., Seylan Aka, Ufuk Koca-Caliskan, 2017), сурункали гепатитлар ва жигар циррозини даволаш учун потенциал дори воситаларини доривор ўсимликлар орасидан излаш (Nor Aziyah Mat-Rahim, Tong-Hye Lim, Nur-Asyura Nor-Amdan et al. 2017), доривор ўсимликлар дунёси орасидан дорилар таъсирида чақирилган гепатитларни даволаш учун воситалар қўллаш самарадорлиги (Talib Hussain, Gehad M. Subaiea, Hina Firdous, 2018), алкоғолли гепатитларни даволашда доривор ўсимликлар экстрактини таъсирини ўрганиш (Huang Q-H, Xu L-Q, Liu Y-H, et al. 2017), вирусли гепатитларни даволашда доривор ўсимликлар таъсирини молекуляр механизмларини ўрганиш (Varma S. R., Sundaram R., Gopumadhavan S., 2013), экспериментал гепатитларда доривор ўсимликларни жигарни ҳимояловчи таъсирини яллиғланишга қарши таъсир билан ўзаро боғлиқлиги (Fernández-Martínez, Eduardo et al., 2017), доривор ўсимликларни вирусли гепатит С даволашдаги роли (Elsebai M. F., Koutsoudakis G., Saludes V. et al., 2016), экспериментда ноалкоғол стеатогепатоз даволашда доривор ўсимликларни роли ўрганилган (Takahashi Y., Sugimoto K., Soejima Y. et al. 2015).

Шунингдек Республикамизда ушбу патологиянинг муаммоларини ечиш бўйича бир қатор экспериментал изланишлар олиб борилмоқда (Ҳакимов З.З. ва бошқ., 2017). Маҳаллий хом-ашёдан тайёрланган ўсимлик препаратлари флоралин, танацехолни екпериментда жигарни алкоғолли зараланишида самарадорлиги ўрганилган (Сыров В.Н, Юсупова С.М., 2008). Токсик гепатитда гепатин ва «БХ йиғмасини» сафро ҳайдовчи таъсири ўрганилган (Тулаганов

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасини Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 2017-2021 йилларда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

Р.Т., 2008). Шунингдек, интерферон индуктори- цеагрипни гепато-билиар тизимга таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бориляпти (Хакимов З.З., Махмудов С.С., 2018).

Жигар хасталикларини даволаш учун янги самарали препаратларни яратишда доривор ўсимликлар бебаҳо манбаъа ҳисобланади. Бундан ташқари, доривор ўсимликлар инсон организмга кам зарарли, минимал ножўя таъсирга эгаллиги билан бошқа турдаги дори воситаларидан устун туради. Доривор ўсимликларни самарадолиги ва хавфсизлигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар жигарнинг турли хасталикларини самарали даволаш учун қўлланиладиган воситалар арсеналини тўлдириш имконини беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот режасига мос холда АДСС 15.27.6 «Маҳаллий доривор ўсимликлар йиғмасидан янги гепатопротектор ва сафро ҳайдовчи восита яратиш» (2015-2017 й.) доирасида амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** доривор ўсимликлар - дала чой (*Hipericum scabrum* L.), кийик ўти (*Ziziphora pedicellata* Pazij Vved.), алқор ўти (*Mediizia macrophylla*) ва ширинмия (*Glycyrrhiza glabra* L.) илдизи йиғмаси курук экстрактини жигарнинг ўткир ва сурункали хасталикларини турли моделларида жигарнинг функционал ҳолатига таъсирини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

скрининг тадқиқотларда сафро ҳайдовчи фаоллиги бўйича кўпроқ самарадор ва истиқболли экстракт композициясини ажратиб олиш;

курук экстракт Лесбохолни ўткир ва сурункали захарлилигини баҳолаш;

ўткир токсик гепатитда Лесбохолни жигарнинг сафро ажратиш фаолияти жадаллигига ва ферментлар фаолилигига таъсирини таҳлил қилиш, шунингдек унинг энг самарадор дозасини аниқлаш;

ўткир токсик гепатитда Лесбохолни липидларни перекисли оксидланиш жараёнига, цитоллиз, оксил ва углевод алмашинуви кўрсаткичлари таъсирига баҳо бериш;

жигарнинг турли хил шикастланишида унинг функционал ҳолати бузилишларини бартараф этишда Лесбохолнинг самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тажриба ҳайвонлари бўлиб, 450 та жинсий етилган зотсиз оқ каламушлар, 60 та оқ сичқонлар ва улардан 21 та Шиншилла зотли қуёнлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети.** Доривор ўсимликлардан тайёрланган курук экстрактлар композицияси, сафро, периферик қон, қон зардоби, ички аъзолар тўқималари намуналари ва Лесбохолни тажрибада тиббий биологик хавфсизлигини баҳолаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини амалга оширишда фармако-токсикологик, биокимёвий, морфологик, фармакодинамик ва фармакокинетик усулари ва шунингдек статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи ўсимликлардан ажратилган қуруқ экстрактни сафро ҳайдаш хусусияти мавжудлиги ва самарадорлик даражаси аниқланган;

доривор ўсимликлар- дала чой (*Hipericum scabrum* L.), кийик ўти (*Ziziphora pedicellata* Pazij Vved.), алқор ўти (*Mediizia macrophylla*) ва ширинмия (*Glycyrhiza glabra* L.) илдизи йиғмасидан ажратилган қуруқ экстракт машҳур дори воситаси ЛИВ-52 дан кўра кўпроқ сафро ҳайдовчи таъсирга эга эканлиги аниқланган;

жигарни ўткир зарарланишини турли тажриба моделларида, Лесбохол гепатоцитларда моддалар алманишувини асосий турларини тикловчи, липидларни перекисли оксидланиши жадаллигини сусайтирувчи, цитоллиз ва холестазни йўқотувчи таъсири, шунингдек сафро ва унинг кимёвий таркиби секрециясини стимуллаши ва жигарда метаболизмга учровчи препаратларни фармакодинамикасини тиклаши аниқланган;

илк бор Лесбохолни ўткир ва сурункали захарлилиги бўйича ўтказилган токсикологик тадқиқотларда унинг зарарсизлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий ўсимликлар йиғмасидан тайёрланган композициянинг қуруқ экстракти бўлган - Лесбохолни сафро ҳайдовчи фаоллиги, унинг самарадор дозаси экспериментал жониворларда аниқланган;

Лесбохол зарарсиз модда эканлиги исботланган;

тадқиқот натижалари Лесбохолни ўткир ва сурункали жигар хасталикларини даволашда самардор дори воситаси эканлиги исботланган;

таклиф қилинаётган маҳаллий хом ашёдан тайёрланган қуруқ экстракт импорт қилинаётган аналоглардан 3 марта арзонроқ, бу эса тадқиқотнинг охириги маҳсулоти юқори иқтисодий самарадорликка эга эканлигини кўрсатилган;

Лесбохолни антиоксидантлик хоссаси, зардоб ферментлари фаоллигини сусайтириши, жигарда углевод ва ёғ алмашинувини яхшилаши, шунингдек жигарни детоксикациялаш фаолиятини кучайтириши исботланган;

маҳаллий ўсимликлар йиғмасидан тайёрланган қуруқ экстракт Лесбохолни тадқиқ қилишдан олинган натижалар жигарнинг ўткир ва сурункали патологияларини даволаш учун келажаги порлоқ дори воситаларини яратиш учун янги имониятлар очиб бериш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** экспериментал изланишларда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонларининг сонининг етарлилиги, фармако-токсикологик, биокимёвий, фармакодинамик, фармакокинетик, гистоморфологик, статистик усуллар мос қўлланилганлиги ва асосланганлиги, шунингдек, олинган натижалар сафро ҳайдовчи самарадорлиги бўйича хорижий препаратга таққослангани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, илк бор гепатитнинг турли экспериментал моделларида маҳаллий доривор ўсимликлар асосида



тайёрланган куруқ экстракт - Лесбохолнинг сафро ҳайдовчи фаоллиги кенг қўлланиладиган ЛИВ-52 билан қиёсий ўрганилди. Лесбохолни яққол сафро ҳайдовчи фаолликка эга эканлиги экспериментал исботланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ушбу маҳаллий хом-ашёдан тайёрланган дори воситасини тиббиёт амалиётида сафро ҳайдовчи дори воситаси сифатида ишлаб чиқариш ва қўллашга имкон беради.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Тажрибавий гепатитларда Лесбохолни самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий натижалар асосида:

«Сафро ҳайдовчи восита»сига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№IAP 05334 11.01.2017 й.). Натижада доривор ўсимликлар - дала чой (*Hipericum scabrum* L.), кийик ўти (*Ziziphora pedicellata* Pazij Vved.), алқор ўти (*Mediazia macrophylla*) ва ширинмия (*Glycyrrhiza glabra* L.) илдизи йиғмасидан ажратилган куруқ экстракт жигарни ўткир ва сурункали жароҳатланишида специфик фаоллик намоён қилиши аниқланган;

тадқиқот натижалари Тошкент тиббиёт академиясининг олий ўқув юртлариаро илмий текшириш лабораторияси амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 19 июндаги 8Н-д/149-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий хом ашёдан тайёрланган куруқ экстракт импорт қилинаётган аналоглардан арзонроқ бўлишига, тадқиқотнинг охириги маҳсулоти юқори иқтисодий самарадорликка эга бўлишига имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий халқаро иштирок билан анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган. 1 ихторо учун патент олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган текширувнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технолгогияларининг устивор йўналишларинга мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тўзилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Замонавий гепатопротекторлар ва сафро ҳайдовчи воситалар**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар

асосида жигар хасталикларини фармакотерапияси ва дори воситалари ёрдамида даволашнинг замонавий муаммолари чуқур таҳлил қилинган. Турли хил этиологияли жигар хасталиклари билан дунёда касалланиш кўрсаткичлари ҳолати ва янги дори воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришда доривор ўсимликларни ўрни ҳақида илмий-амалий маълумотлар берилган.

Янги самарадор, арзон, қимматбаҳо импорт препаратларини ўрнини боса оладиган миллий дори воситаларини амалий тиббиётга тадбиқ қилиш мақсадида уларнинг фармакологик ва токсикологик хусусиятларини ўрганишни муҳимлиги илмий асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Изланишларнинг материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материалларининг тавсифи келтирилган бўлиб, унда тажрибалар 450 та тана вазни 170-210 г булган оқ зотсиз эркак каламушлар, вазни 18-22 г булган 60 та оқ сичқонлар ва 21 та Шиншилла зотли вазни 2500-3000 г булган қуёнларда ўтказилган. Ўткир токсик гепатит (ЎТГ) моделлари: ўткир тетрахлорметанли ( $CCl_4$ ) гепатит жониворларга 50%ли ёғли эритмасини 0,5 мл 100 г тана вазнига 4 кун давомида тери остига юбориш орқали чақирилди, жигарни дори воситасида шикастланиши тетрациклинни ошқозонга 500 мг/кг дозада 5 кун давомида юбориш орқали моделлаштрилди, алкоғолли гепатит 40% этанол эритмасини 21 кун давомида 0,7 мл 100 г тана вазнига оғиз орқали кунига 1 мартаба юбориш ёрдамида чақирилди, жигарни гелиотриндан ўткир зарарланиш модели янги тайёрланган алкалоид эритмасини тери остига 250 мг/кг дозада бир марта юбориш орқали ҳосил қилинди, шунингдек сурункали гепатит модели гелиотрин эритмасини 5 мг/100 г дозада тери остига ҳафтада бир марта 6 ҳафта давомида юбориш орқали чақирилди.

Лесбоҳолни ўткир заҳарлилиги иккала жинсдаги оқ сичқонларда қуруқ экстрактни ошқозонга 1000, 2000, 3000, 5000, 8000 ва 10000 мг/кг дозада юбориш орқали ўрганилди. Бунда, жониворларнинг умумий ҳолати 14 кун давомида кузатилди. Қуруқ экстрактни сурункали заҳарлилигини ўрганиш учун оқ каламушларга (суткада бир марта овқат беришдан олдин) 25 (ўртача терапевтик доза), 250 ва 500 мг/кг дозада 2 ой давомида меъдага юборилди, охириги марта юборилгандан эртаси куни ҳамма гуруҳ жониворларини гематологик ва биокимёвий кўрсаткичлари ва ички аъзоларни морфологик тузилиши ўрганилди.

Жигарни заҳарларни парчалаш (детоксикация) фаолияти тест-препаратлар бўлмиш этаминал ва хлоралгидрат воситасида ўтказилган тажриба натижаларига кўра баҳоланди. Бунда, лаборатория жониворларига этаминал натрий 40 мг/кг ва хлоралгидратни 300 мг/кг дозада қорин бўшлиғига юбориш орқали чақирилган «ёнбош ҳолати» давомийлиги қараб баҳо берилди. Гепатоцит монооксигеназа фермент системасининг (МОС) фаоллиги амалиётда кенг қўлланувчи «антипирин синамаси» воситасида аниқланди. Антипиринни фармакокинетикасига (ФК) баҳо бериш учун антипиринни янги тайёрланган сувли эритмасини вена ичига 25 мг/кг дозада юборилди. Сўнгра, бўйинтуруқ венасидан 30 мин, 120 мин ва 240 мин ўтгандан кейин олинган қон зардобиди спектрофотометрик усулда антипирин концентрацияси аниқланди. Ярим элиминация даври  $T_{1/2}$ , эхтимолий таксимланиш ҳажми ( $aVd$ ), препаратни

метаболик клиренси (MCR), препаратни элиминация константаси ( $k_{el}$ ), фармакокинетика эгри чизиги остидаги майдон юзаси (AUC) ҳисобланди.

Қон зардобидаги аланинаминотрансфераза (АлАТ), аспартатаминотрансфераза (АсАТ), ишқорий фосфотаза (ИФ) ва гамма глутаматтрансфераза (ГГТ) ферментлари фаоллиги, билирубин, умумий оқсил ва альбумин миқдори фотометрик усулда яримавтомат биокимёвий анализаторда Mindray (China, 2014 г) Human (Германия) ва Cypress diagnostics (Бельгия) фирмалари тест жамламалари ёрдамида, шунингдек сафрони кимёвий таркиби (сафро жавҳарлари, холестерин ва билирубин), қондаги малондеальдегиди (МДА) миқдори, жигардаги гликоген миқдори биокимёвий усуллар ёрдамида аниқланди. Олинган натижаларни статистик ишлов беришда таҳлил қилишнинг компьютер дастурлари қўллаган ҳолда амалга оширилган бўлиб, унда ўртача арифметик киймат (М), ўртача квадрат оғиш ( $\delta$ ), стандарт хатолик (m), нисбий катталиқ (частота %) катталиқларини ҳисоблаш йўли билан амалга оширилди. Статистик белгиларни ўзгариши  $P < 0,05$  бўлганда ишончли даражани қабул қилди.

Диссертациянинг «**Лесбохолни ўткир тетрахлорметанли гепатит сафро секретияси ва унинг асосий таркибига таъсири**» деб номланган учинчи бобида доривор ўсимликлар - даладой, кийик ути, алкор ути ва ширинмия илдизи турли хил нисбатдаги композицияларини: 1,25:1,0:1,25:1,5 (А), 1,0:1,0:1,0:1,0 (Б), 1,25:1,25:1,25:1,0 (В) и 1,25:1,0:1,5:1,25 (Г) ўткир гепатит моделида сафро хайдаш ва гепатопротекторлик хусусиятларини ўрганиш бўйича тажрибилар натижалари баён этилган.

Тажриба натижалари шуни кўрсатдики (1-жадвал),  $CCl_4$  билан чақирилган ўткир гепатитда жигарни экскретор фаолияти сезиларли сусаяди. Охириги марта  $CCl_4$  юборилгандан уч кун ўтиб 4 соат давомида ажралган сафро 59%, жигар таркибидаги гликоген миқдори-52,4% интакт гуруҳга нисбатан статистик ишонарли даражада камайган, АлАт ферменти фаоллиги эса 290% ошганлиги қайд этилди.

Доривор ўсимликлар турли хил нисбатдаги йиғмасининг куруқ экстрактлари билан даволагандан сўнг жигарнинг сусайган функционал ҳолати сезиларли тикланган. Таркибида доривор ўсимликларни А, Б, В ва Г нисбатда сақловчи куруқ экстрактлар композицияларини 3 кун давомида 50 мг/кг дозада юборганда сафро ажралиши тезлиги назорат гуруҳга нисбатан мос равишда- 55,9%, 72,9%, 66,1% ва 91,5%, жигардаги гликоген миқдори эса- 54,0%, 62,6%, 59,6% ва 86,0% ортган. АлАТ фаоллиги эса даволанмаган гуруҳга нисбатан 52,7%, 46,8%, 48,2% ва 52,9% пасайган.

Шундай қилиб, куруқ экстрактлар таркибидаги доривор ўсимликларни нисбатини ўзгартириш орқали гепатоцитларни жароҳатланишини бартараф этувчи таъсирини бир канча орттирди. Энг юқори фаоллик таркибида доривор ўсимликларни 1,25:1,0:1,25:1,5 нисбатда сақловчи Г композицияни (шартли равишда Лесбохол деб номланган) қўллаганда кузатилди.

1- жадвал

**Қурук экстрактларнинг гепатитли жониворларда сафро ажралиши, АЛАТ ферменти фаоллиги ва жигардаги гликоген миқдори таъсири (M±m)**

Гуруҳлар, экстрактдаги ўсимликлар нисбати	Кўрсаткичлар		
	Сафро, мл	АЛАТ, Ед/л	Гликоген, г%
Интакт	1,44±0,07	39,0±1,9	5,06±0,43
Назорат	0,59±0,04*	152,2±10,0*	2,65±0,42*
1,0:1,0:1,0:1,0 (А)	0,92±0,05* а	73,5±3,0 * а	4,08±0,33 <sup>а</sup>
1,25:1,25:1,25:1,0 (Б)	1,02±0,05* а	81,0±1,5* а	4,31±0,32 <sup>а</sup>
1,25:1,0:1,5:1,25 (В)	0,98±0,04* а	78,8±4,4* а	4,23±0,28 <sup>а</sup>
1,25:1,0:1,25:1,5 (Г)	1,13±0,09 а	71,7±2,8*, <sup>а</sup>	4,93±0,15 <sup>а</sup>

Изох: \*- фарқлар интакт гуруҳига нисбатан аҳамиятли (P< 0,05);

<sup>а</sup> - фарқлар назорат гуруҳига нисбатан аҳамиятли (P< 0,05).

Лесбохолни самарадор дозасини аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибалар натижалари шуни кўрсатдики, СС<sub>4</sub> воситасида чақирилган ўткир гепатитда жигарнинг экскретор фаолияти сезилари бўзилади, унинг даражаси тажриба ўтказилиш муддатига боғлиқ. Лесбохолни уч кун давомида 10, 25 ва 50 мг/кг дозада меъдага юборилганда ажратилган сафро миқдори даволанмаган гуруҳга нисбатан 67,8%, 145,8% ва 91,5% мос равишда ошди, 6 кун даволангандан сўнг эса 19,7%, 96,6% ва 46% ортиклиги аниқланди. Натижалар энг самарали доза 25 мг/кг эканлигини кўрсатди. Сафрони умумий миқдори ошиши билан бир қаторда унинг асосий таркибий қисмларини ҳам ортиши кузатилди. Сафро таркибидаги жавҳарлар, холестерин ва билирубин миқдори Лесбохол билан 3 кун давомида 10 мг/кг дозада даволанганда назорат гуруҳига нисбатан статистик ишонарли даражада 32,1%, 138,5% ва 59%га, 25 мг/кг дозада - 77,9%, 101,5% ва 71,1%га, шунингдек 50 мг/кг дозада эса - 50,6%, 75,97% ва 44,2%га мос равишда ортди (2-жадвал).

Олти кун даволанганда ушбу кўрсаткичлар кўпроқ ошиши аниқланди, яъни даволанмаган жониворларга нисбатан 10 мг/кг дозада- 32,7%, 93,3% ва 68,5%га, 25 мг/кг дозада- 101,6% , 158,3% ва 77,9%га, 50 мг/кг дозада эса- 64,2%, 112,6% ва 81,6%га ошган. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, даволаш муддатини катталаштириш билан препаратнинг ижобий таъсири ортиши кузатилади

Шундай қилиб, Лесбохол жигарнинг ўткир зарарланишида унинг ташқи секрециясига яққол тикловчи таъсир кўрсатади ва сафронинг кимёвий таркибини тиклайди, энг самарали таъсир 25 мг/кг дозада 6 кун давомида қўллаганда кузатилди.

**Лесбохолни ўткир тетрахлорметанли гепатитда сафро ажралиши ва унинг кимёвий таркибига таъсири, (M±m)**

Гуруҳ	Сафро, мл	Сафро жавҳарлари, мг	Холестерин, мг	Билирубин, мкг
Соғлом	1,44±0,07	8,59±0,53	0,309±0,016	112,4±7,5
Назорат (ЎТГ)	<u>0,59±0,04*</u> 0,87±0,06*	<u>3,40±0,29*</u> 4,95±0,31*	<u>0,129±0,012*</u> 0,151±0,011*	<u>60,2±7,0*</u> 61,3±6,4*
ЎТГ+Лесбохол 10 мг/кг	<u>0,99±0,11*,a</u> 1,04±0,06*	<u>4,49±0,66*</u> 6,57±0,32*,a	<u>0,31±0,040<sup>a</sup></u> 0,29±0,035 <sup>a</sup>	<u>103,3±5,1<sup>a</sup></u> 34,0±10,8 <sup>a</sup>
ЎТГ+Лесбохол 25 мг/кг	<u>1,45±0,06<sup>a</sup></u> 1,71±0,09 <sup>a</sup>	<u>6,05±0,41*,a</u> 9,98±0,75 <sup>a</sup>	<u>0,26±0,028<sup>a</sup></u> 0,39±0,035 <sup>a</sup>	<u>102,9±14,4<sup>a</sup></u> 109,1±5,9 <sup>a</sup>
ЎТГ+Лесбохол 50 мг/кг	<u>1,13±0,09*,a</u> 1,27±0,06 <sup>a</sup>	<u>5,12±0,32*,a</u> 8,13±0,38 <sup>a</sup>	<u>0,23±0,029*,a</u> 0,321±0,017 <sup>a</sup>	<u>86,8±11,4</u> 95,7±8,8 <sup>a</sup>


Изоҳ: Сурагда- 3 кун лесбохол қабул қилган гуруҳ маълумотлари;  
махражда- 6 кун лесбохол қабул қилган гуруҳ маълумотлари;  
\*- фарқлар интакт гуруҳига нисбатан аҳамиятли (P < 0,05);  
a - фарқлар назорат гуруҳига нисбатан аҳамиятли (P < 0,05).

Диссертациянинг «Лесбохолни каламушларда турли этиологияли токсик гепатитлар кечишига таъсири» деб номланган тўртинчи бобда ўткир ва сурункали гепатит моделларида синалаётган янги дори воситасини жигарнинг ташқи секретор фаолияти ва қон зардобини биокимёвий кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тажриба натижалари берилган.


Лесбохолни ўткир CCl<sub>4</sub> гепатит моделида жигарнинг сафро ҳосил қилиш фаолиятига таъсири ЛИВ-52 билан солиштирма жиҳатдан ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики (1-4 расмлар), Лесбохолни 25 мг/кг дозада қўллаганда 4 соат давомида ажралган сафро миқдори даволанмаган жониворларга нисбатан 101,2%, ЛИВ-52 (100 мг/кг) таъсирида эса 74,1%га статистик ишонарли ортган. Даволанмаган гуруҳда ажралган сафро жавҳарлари интакт жониворларга кўра 45,1%га камайган, Лесбохол таъсирида эса назорат гуруҳига нисбатан статистик ишонарли 86,0%га ва ЛИВ-52 қўлланганда 68%га ошганлиги аниқланди. Ўткир токсик гепатитда сафро таркибида холестерин ва билирубин секрецияси 36,7% ва 67,2% пасайди, Лесбохол билан даволанганда кўрсаткичлар назорат гуруҳга солиштирилганда ишонарли 54,9% ва 63,5%, ЛИВ-52 даволанганда эса 25% ва 41,6% ошганлиги аниқланди.

Жигар тетрациклин билан жароҳатланганида унинг сафро ҳосил қилиш функцияси бўзилиш кузатилади. Хусусан, сафро ажралиш тезлиги соғлом жониворлар билан солиштирилганда статистик ишонарли 35,8%га камайиши аниқланди. Бир вақтнинг ўзида сафро таркибида ажратилган сафро жавҳарлари, холестерин ва билирубин миқдори соғлом жониворларга нисбатан мос равишда


39,4%, 30,6% ва 43,1%га камайиши аниқланди. Олти кун даволангандан сўнг сафро ажралиши статистик ишонарли 40,7% га ошди, бундан ташқари Лесбохол билан даволаш сафро жавҳарлари, холестерин ва билирубинни мос равишда 56,3%, 46,8% ва 57,2%га ортишига олиб келди. ЛИВ-52 билан 100 мг/кг дозада даволаш назорат гуруҳига нисбатан ажратилган сафро миқдорини 27,9%га, сафро жавҳарларини 53,5% га, холестеринни 34,4%га ва билирубинни 33,5% га ортишига олиб келди (1-4 расмлар).




**1-расм.** Лесбохолни сафро ажралиш тезлигига таъсири



**2-расм.** Лесбохолни сафро таркибидаги холестерин миқдорига таъсири



**3-расм.** Лесбохолни сафро таркибидаги сафро жавҳарлари миқдорига таъсири



**4-расм.** Лесбохолни сафро таркибидаги билирубин миқдорига таъсири

Жигарни этанол билан жароҳатланишида, унинг сафро ҳосил қилиш функцияси бузилиши кузатилади. Хусусан, сафро ажратиш соғлом жониворларникига кўра статистик ишонарли 41,7% камайиши аниқланди. Бир вақтнинг ўзида сафро тақибида ажратилган жавҳарлари, холестерин ва билирубин миқдори соғлом жониворларга нисбатан мос равишда 39,8%, 63,4% ва 57,2% га камайиши аниқланди. Олти кун давомида Лесбохол ва ЛИВ-52 билан даволашда сафро ажралиш тезлиги даволанмаган гуруҳга солиштирганда статистик ишонарли 67,9% ва 34,5%га ошди, бундан ташқари Лесбохол билан даволаш сафро жавҳарлари, холестерин ва билирубинни мос равишда 60,7%,

103,5% ва 104,6% ортишига олиб келди. ЛИВ-52 билан тажрибавий даволаш назорат гуруҳига нисбатан сафро жавҳарлари миқдори 21,9%, холестерин 77,0% га ва билирубин 38,3% га ва 33,5% га ортишига олиб келди. Шунини таъкидлаш лозимки, Лесбохол билан даволаганда олинган натижалар соғлом жониворлар кўрсаткичларида фарқ қилмаганлиги аниқланмади (1-4 расмлар).

Жигарни гелиотрин билан ўткир жароҳатланишида олинган натижалар шунини кўрсатдики (1-4 расмлар), ушбу моделда унинг функционал ҳолати кучли даражада бузилади. Хусусан, сафро ажралиши статистик ишонарли даражада - 63,4%га камайиши аниқланди. Бир вақтнинг ўзида сафро тақибда сафро жавҳарлари, холестерин ва билирубин мос равишда 68,9%, 57,1% ва 60,2%га камайиши кузатилди. Олти кун давомида Лесбохол ва ЛИВ-52 билан даволангандан сўнг сафро ажратиш даволанмаган гуруҳга кўра статистик ишонарли 87,6% ва 46,9%га ошди. Бундан ташқари Лесбохол билан даволаш сафро жавҳарлари, холестерин ва билирубинни мос равишда 117,2%, 147,8% ва 31,2% ортишига олиб келди. ЛИВ-52 билан даволаш назорат гуруҳига нисбатан сафро жавҳарлари миқдори 90,7%, холестерин 13,8% га ва билирубин 9,7% га ортишига олиб келди.

Шундай қилиб, турли моддалар воситасида ривожланган ўткир токсик гепатит моделларида жигарнинг ташқи секретор функцияси сезиларли сусаяди, бу эса сафро тақибдаги жавҳарлар, холестерин ва билирубин миқдори камайиши билан намоён бўлади. Лесбохол ЛИВ-52дан фарқли ўларок ушбу бузилишларни самаралироқ бартараф этди ва жигарни функционал ҳолатини яхшироқ тикланишига олиб келади.

Биокимёвий тадқиқотлар натижалари шунини кўрсатдики (3-жадвал), жониворларда токсик гепатитни ривожланиши қон зардобдаги АЛАТ, АсАТ, ИФ ва ГГТ ферментларининг фаоллиги 273,1%, 83,0%, 89,4% ва 53,1% га, умумий ва бевосита билирубинни 82,2% ва 286,5%га мос равишда ошишига, умумий оқсил ва альбуминни эса 20,5% ва 25,4%га камайишига олиб келади. Олинган натижалар  $CCl_4$  билан чақирилган ўткир токсик гепатитда яққол ифодаланган цитоллиз ривожланиши, шунингдек ИФ ошиши билан намоён бўлувчи холестаза ривожланишини кўрсатди.

Лесбохол билан даволаш гиперферментемия, гипербилирубинемия, холестаза даражасини камайтирди, бу эса ИФ фаоллиги назорат гуруҳига нисбатан 37,7%га пасайиши билан ифодаланди. Бундан ташқари гипопротениемия ва гипоальбуминемия сезиларли бартараф этилди. Лесбохол билан даволаш самарадорлиги бўйича ЛИВ-52дан кўра устунроқ эканлиги аниқланди.


Шундай қилиб, ўткир токсик гепатитни Лесбохол ва ЛИВ-52 билан даволаш қондаги биокимёвий ўзгаришларни: гиперферментемия, гипербилирубинемия ва гипопротениемия даражасини сезиларли бартараф этди, бу эса ўсимлик асосида тайёрланган дори воситаларини юқори даволовчи самарага эга эканлигини кўрсатади. Ушбу тадқиқотлар натижаларига асосланиб шунини ҳулосалаш мумкинки, ҳудди ЛИВ-52ни қўллаш учун кўрсатмаларига мувофиқ равишда Лесбохолни ҳам цитоллиз, холестаза ва гипопротениемия билан кечувчи ўткир жигар хасталикларида қўллашга тавсия этиш мумкин.

Лесбохол ва ЛИВ-52 ни  $CC1_4$  билан чақирилган ўткир гепатитда қони биокимёвий маркерларига таъсири, ( $M \pm m$ )

Кўрсаткич	Кузатув гуруҳи			
	Интакт	Назорат (ЎТГ)	ЎТГ+Лесбохол	ЎТГ+ЛИВ-52
АЛАТ Ед/л	39,0±1,9	145,5±11,8*	45,4±3,8 <sup>a</sup>	51,6±6,1 <sup>a</sup>
АсАТ Ед/л	63,7±3,6	116,6±13,3*	60,9±4,8 <sup>a</sup>	63,1±3,0 <sup>a</sup>
ЩФ Ед/л	327,8±32,1	621,0±53,0*	389,3±32,2 <sup>a</sup>	463,9±19,3 <sup>a</sup>
ГГТ Ед/л	2,60±0,22	3,98±0,38*	2,72±0,15 <sup>a</sup>	2,88±0,21 <sup>a</sup>
Умумий билирубин мкмоль/л	11,8±1,2	21,5±1,5*	14,3±1,5 <sup>a</sup>	15,8±1,6 <sup>a</sup>
бевосита билирубин мкмоль/л	3,7±0,5	14,3±0,5*	3,9±0,4 <sup>a</sup>	5,7±0,9 <sup>a</sup>
билвосита билирубин мкмоль/л	8,1±1,0	7,2±1,3	10,4±1,7	10,1±1,4
Умумий оксил г/л	79,9±2,3	63,5±1,9*	73,3±2,2 <sup>a</sup>	74,7±2,1 <sup>a</sup>
Альбумин г/л	45,7±1,2	34,1±1,1*	42,5±1,3 <sup>a</sup>	39,6±0,9 <sup>a</sup>

Изоҳ : \* - фарқлар интакт гуруҳига нисбатан аҳамиятли ( $P < 0,05$ );  
а- фарқлар назорат гуруҳига нисбатан аҳамиятли ( $P < 0,05$ ).

Гелиотрин билан чақирилган сурункали токсик гепатитда (СТГ) жигарнинг сафро ажратиш функцияси бузилиши аниқланди. Хусусан, ажратилган сафро микдори статистик ишонарли 38,8%га ва унинг таркибида жавҳарлари, холестерин ва билирубинни соғлом жониворларга нисбатан мос равишда 56,3%, 58,6% ва 54,1%га камайиши аниқланди (5-расм).



5-расм. Лесбохолни сурункали токсик гепатитда жигарнинг ташқи секретор фаолиятига таъсири.

Лесбохол ва ЛИВ-52 билан даволашда сафро ажратиш даволанмаган гуруҳга солиштирганда статистик ишонарли мос равишда 41,5% ва 26,8%га



ошди, бундан ташқари Лесбохол билан даволаш сафро жавҳарлари, холестерин ва билирубинни мос равишда 139,4%, 110,6% ва 116,8%га ортишига олиб келди. ЛИВ-52 билан даволаш эса сафро жавҳарлари миқдорини 102,3%, холестеринни 100,9% га ва билирубин 76,3%га ортишига олиб келди. Лесбохол билан даволаганда сўнг ўрганилаётган кўрсаткичлар соғлом жониворлар кўрсаткичларидан сезиларли фарқ қилмади.

